

МАРКАЗИЙ БАНК ЯНГИЛИКЛАРИ

Банк ташкил этишига доир лицензия олишда нималарга эътибор бериш керак?

Лицензия олиш босқичлари, талаблари ва қонунчилик ҳақида инфографика.



ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ

2023 ва 2024-2025 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари "ни эълон қилинди.

Асосий сценарий доирасида инфляциянинг 2023 йил сўнгида 8,5-9,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда.

Инфляцион қутилмаларни инobatга олиб, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи – 5 фоизлик таргетга 2024-йилнинг иккинчи ярмида эришиши бўйича асослар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Асосий сценарий шартларига кўра	
Инфляция даражаси	2023 йилда инфляция 8,5-9,5 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. 2024 йил сўнгида инфляция таргет даражасига - 5 фоизгача пасаяди
Пул-кредит сиёсати чоралари	
Пул-кредит шароитлари	Иқтисодиётда инфляцион босимларни инobatга олиб 2023 йил давомида "нисбатан қатъий" даражада сақланади ва 2024 йилнинг иккинчи ярмида инфляцион таргетга эришиш бўйича асослар юзага келганда "нейтрал" фазага ўтилади
Пул бозоридаги фоиз ставкалари	2023 йилда Uzonia ставкаси реал ҳисобда 3-4 фоизлик даражада, 2024 йилнинг иккинчи ярмидан 1-2 фоизлик даражада бўлиши таъминланади

t.me/bankmijoz каналидан олинди

ЯНГИ НАМУНАДАГИ

ТЕЗКОР UZCARD

Мижозлар иштирокида карталарни чиқариш – бу нафақат ноёб имконият ва технология ривожини олдинга қадам, балки шу ерда мижозлар муаммоларини қисқа фурсатларда ҳал қилиш имкониятидир.

UZCARD fintex-индустриясининг энг йирик иштирокчиси сифатида банк хизматларини кўрсатишда кўплаб жараёнларни автоматлаштиришга фаол ҳисса қўшмоқда. Унинг янги ечими банкларга тезкор эмиссия тўлов карталарини бевосита ўз филиалларида чиқариш ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг тубдан янги даражасига чиқиш имконини берди.

"Hamkorbank"нинг Ўзбекистон бўйлаб 50 та универсал банк хизматлари офисида янги намунадаги карталарни бир лаҳзада чиқариш жорий қилинди. Бундай карталарни шахсийлаштириш жараёни мижоз банк билан боғланган вақтдан бошлаб, карта чиқарилган ва фаоллаштирилган пайтгача тахминан беш дақиқа давом этади.

Янги намунадаги UZCARD – бу NFSли эмбоссирланган карталар бўлиб, улар орқали ҳам контакт, ҳам контактсиз усулларда тўлаш, банкومات хизматларидан фойдаланиш ва жамоат транспортида тўловни бир тегиниш орқали амалга ошириш мумкин. Агар бошқа турдаги карталар билан солиштирадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, эмбоссирланган банк карталари янада мукамал ҳисобланади. Улардага бўрттирма қилинган белгиларни сохталаштириш мумкин эмас.

Хизматдан фойдаланиш учун мижоз банк филиалларидан бирига келса бўлди. Расмийлаштириш учун фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат-паспорт керак.

[Kin.uz](https://kin.uz) телеграм каналидан олинди.

HAMKORBANK NEWS

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

12-сон

2022 йил, декабрь



“HAMKORBANK” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ БАХТИЁРЖОН ЖЎРАЕВНИНГ ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ҳамкасблар!

Яна бир йил тарих саҳифаларига муҳрланиб, бетакрор диёримизга янги – 2023 йил кириб келмоқда.

Яқунланаётган йилда юртимиз ҳаётида, хусусан бизнинг банки-мизда сезиларли ютуқ ва марралар кўп бўлди. Мустақиллик билан тенгдош банкимиз ташкил топганининг 31 йиллигини кенг нишонладик.

Албатта, бу санани жамоамиз ўзига хос катта ютуқлар билан қарши олди. Устав капиталимиз ўсди, банкнинг активлари янада ошди. Янги маҳсулотларнинг киритилиши, кредит ва валюта операциялари ҳажмининг ошиши,

банк тармоқларининг кенгайиши бунинг ёрқин мисолидир.

Фаолиятимизни рақамлаштириш, трансформация қилиш, янги банк маҳсулотлари ва хизматларини босқичма босқич онлайн тизимга ўтказилаётганлиги мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда. Бу ўз-ўзидан банкимизни ривожлантиришга, молия бозоридаги ижобий рақобатни енгишига олиб келади.

Янги 2023 йилда биз ўз олдимизга янада юксак марраларни вазифа қилиб олдик. Банкимиз фаолиятини кенгайтириш ва даромадларини ошириш унинг асосини ташкил этади. Барқарор ресурслар

базасини шакллантириш ва хизмат сифатини янада ошириш ҳам диққат эътиборимизда бўлади. Буларнинг замирида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва иқтисодиётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлар турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, 2022 йилдаги самарали фаолияти учун банкимиз жамоаси, ҳамкорларимиз ва мижозларимизга ташаккур айтаман ва Янги йилда янги муваффақиятлар тилайман.

2023 йилда оилаларингизга борака, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман. Байрамингиз муборак бўлсин!

Марказий банкда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлигида “Зўравонликка қарши 16 кун” ва “Ўзбекистон банк тизимида гендер тенгликни илгари суриш” лойиҳалари доирасида семинар бўлиб ўтди.

Унда банк соҳаси вакиллари ва тавсиялар билан ларининг гендер хилма-хилликни баҳолаш нати- жалари ва тавсиялар билан таништириш ҳамда соҳада гендер тенглик масалалари-

БАНК ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК



га эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ЕТТБнинг “Банк соҳасида гендер хилма-хилликни баҳолаш натижалари” лойиҳаси ва шу йўналишда ишлаб чиқилган тавсиялар

муҳокама қилинди. Ўзбекистон молия секторида аёллар миллий ташаббуси концепцияси тақдим этилди. Семинар якунида “GenderIntelligence” ўқув дастурини муваффақиятли яқунлаган тренерларга сертификатлар топширилди.

СЕМИНАР



Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташаббуси билан “Яшил технологиялар Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қандай ёрдам беради?” мавзусида ташкил қилинган конференцияда “Hamkorbank” вакиллари ҳам иштирок этди.

“ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРАФДОРИМИЗ



Тадбирда юртимиз иқтисодиётида замонавий энергетик самардор технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни камайитириш ва яшил лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маърузачи Ойбек Садриддинов “Hamkorbank”нинг яшил технологияларни молиялаштириш бўйича бой тажрибаси билан ўртоқлашди. Зеро, яшил технологиялар — фаровон келажакимиз асосидир.

“Hamkorbank” АТБ ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ҳамкорлигида М.Юсуф номидаги ижод мактаби ҳамда профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида иншоолар ва тасвирий санъат танлови ўтказилди.

БАНК ТАШАББУСИ БИЛАН



Унда Андижон вилоятидаги таълим муассасаларининг 34 нафар ҳамда ижод мактабининг 20 нафар ижодкор ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Танлов натижаларига кўра ғолиблар аниқланди.

Иншоолар йўналишида

- 1- ўрин: Мохинур Ҳакимова;
- 2- ўрин: Мафтуна Эркинова;
- 3- ўрин: Муҳаммадали Абдувалиев.



**СИЗ ҲАМ
ҒОЛИБ БЎЛИНГ**

“Сбербанк онлайн иловаси орқали маблағ олувчилар” акциясининг иккинчи босқич ғолиблари ким эканлигига қизиқингизми?

Танишинг, чинакам омадли 5 та Samsung Galaxy A73 5G смартфонни соҳиблари:

- Олтиной Ўразалиева;
- Рухсора Комилова;
- Ислон Жуманиёзов;
- Наврўза Абдуҷамилова;
- Улуғбек Аширалиев.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, бизда фантастик омадли иштирокчи Муаззамхон Умарова бош соврин — Cobalt автомобили соҳибига айланди. Ғолибларни чин кўнгилдан табриқлаймиз!

Кутиб ўтирманг, кейинги босқичларга қўйилган Chevrolet Cobalt ва супер-ютук Tracker-2 автомобилларидан бирини қўлга киритинг.

Тасвирий санъат йўналишида

- 1- ўрин: Саидахон Юлдашева;
- 2- ўрин: Муслима Тожиакбарова;
- 3- ўрин: Дилбарой Неъматжонов.

Барча ғолиблар “Hamkorbank” АТБ томонидан эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди. Уч нафар фаол иштирокчига рағбатлантирувчи ва танлов ташкилотчиларига корпоратив совғалар топширилди.

Кейинги йилларда банкимиз томонидан мижозлар учун замонавий банк хизматларини жорий этиш, қўшимча қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молия бозоридаги соғлом рақобат муҳити, янги-янги хизмат турларини ҳаётга татбиқ этишни талаб этаётгани сир эмас. Шундан келиб чиқиб жамоамиз изланишда. Ҳам замонавий, ҳам тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятимиз асосини ташкил этади.

Шу ўринда айтиш мумкин, бугун мижозларда танлаш имконияти кенг. Қайси банк муассасаси уларга маъқул бўладиган хизматларни таклиф этса шуни танлайди. Ҳамкорлик ва ўртадаги ишонч ҳам мустаҳкам бўлади. Биз ўз маҳсулотларимизни таклиф этишда айна шу масалага эътибор қаратаямиз.

Биргина автокредитга эътибор қаратайлик. Ким ҳам янги автомобиль со-

тиб олишни истамайди, дейсиз. Бироқ бунинг учун ҳамёнимизда ҳамма вақт ҳам етарли маблағ

БИЗ БИЛАН АВТОМОБИЛЬ СОҲИБИГА АЙЛАНИНГ

топилмайди. Айна шу жойда биз сизнинг кўмакчингиз бўламиз.

Банкимизга ана шундай орзу билан кириб келадиган мижозлар кўпчиликини ташкил этади. Биз биринчи навбатда уларни қўллаб-қувватлашимизни, биргаликда орзусини амалга оширишимизни тушунтирамиз. Ортиқча хужжат ва вақт талаб қилмаймиз. Шунда мижозда бизга бўлган ишонч янада ортади, мақсад сари




дан ошди.

Бобуржон Жўраев 2010 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Бу-

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

гунги кунда “Boburjon Elegant Fayz” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, энг йирик мижозларимиздан бирига айланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси билан шуғулланади. Доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу йил унинг айланма маблағларини тўлдиришга катта миқдорда кредит кўмаги бердик. Ҳозирда ойлик банк айланмаси 20 млрд. сўмни ташкил этади.

“Сифат савдо грант” МЧЖ эса ёғ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. 770 минг Евро миқдорида айланма маблағларни



қилинаётган автокредитлар белгиланган шартлари, қўлайлиги, тезкорлиги ва ишончилиги билан ажралиб туради. Буни мижозларимизнинг эътирофлари ҳам тасдиқламоқда. Янги йилда ҳар бир оилага автомашина қувончини тилаймиз. Жамоамиз бу йўлда сизни қўллаб-қувватлайди.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ,
Чилонзор универсал банк хизматлари офиси раҳбари.

тўлдириш мақсадига берилган банк кредитини ўз вақтида сўндириб бор-



япти. Ойлик банк айланмаси 10-12 млрд. сўмдан иборат.

Йил якунланиш арафасида ҳар қандай инсон ортига назар ташлайди, “нималарга эришдим, нималарни бой бердим”, дея савол беради. Биз банкимиз нуктаи назаридан шундай таҳлил қилдик. Жамоамиз кузатилаётган йилда кўплаб ютуқларга эришди. Янги йилни ҳам янги режалар билан бошлаб, муваффақиятларга эришамиз.

Абдорбек АБДУКАРИМОВ,
Балиқчи БХО якуний назорат мутахассиси.

“Hamkorbank” - Биргаликда юксалиш сари!